

Февраль ойинг мавзуси “Ғаройиб дунё”

Гуруҳ		Кичик					
Ҳафта мавзу		Бизнинг иноқ мамлакатимиз					
Муддати		Февраль ойининг 1 ҳафтаси					
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Мустақил юз ювиш,тишни тозалаш, сочиқдан фойдаланиш. Тароқ ва даструмомол ёки салфеткадан фойдаланиш. Овқат пайтида мустақил қошиқдан фойдалана олиш. Овқатдан сўнг оғизни чайиш, ўздан кейин ўйинчоқларни йиғиштириш. Хавфли предметларни фарқлаш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўз яқин инсонларига мурожаат қилиш, ёрдам қилишни сўраш, Ўзига дўст танлаш ва улар билан ўйнаш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Расмлар орқали ўз Ватанининг гўзаллигини кўра олишга ўрганиш. Асар номини айтиш, кичик шеърларни ёддан айтиш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Ўзи яшаб турган шаҳар номини билиш, оила аъзоларига илиқ муносабатда бўлиш, атроф-оламга қизиқувчанлик, “бир” ва “кўп” тушунчасини фарқлаш. Боғча ён-атрофини мўлжалга олишни ўрганиш.					
	Ижодий ривожланиш	Халқ амалий санъатларини ўрганишда эмоционал таъсирланиш.					
Таълимий-тарбиявий фаолият							
Ривожланиш марказлари		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар, иловалар
Эркин фаолият	Қуриш яшаш ва математика	Баланд уйнинг зинапоялари					Леголар тўплами, катта, кичик кубиклар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш			“Дўстлар меҳмонга келди” сюжетли-ролли ўйин			Мавзуга оид расмли карточкалар
	Тил ва нутқ		“Ҳайвонот боғида” таълимий ўйин				Ёввойи ва уй ҳайвонлари елим ўйинчоқлари
	Фан ва табиат	Қум ва тошлардан тоғ яшаш					Ишлов берилган қум, катта, кичик силлиқ тошчалар
	Санъат	Расм: Лаган	Лой: Тандир	Расм: Лаганни безаймиз	Аппликация: Дастурхондаги декоратив безак		Лаган, гуашлар, салфеткалар, мўйқалам, сув идиши, рангли қоғоз, дастурхон асоси, микопчага солинган дастурхон безакларининг қисмлари, елим, елим суртгич, лой, махсус тахтача, нам салфетка
	Умумий гуруҳда ишлаш						

Февраль ойининг 1-хафтаси

Хафта мавзуси: “Бизнинг инок мамлакатимиз”

Куриш–ясаш ва математика маркази:

Баланд уйнинг зинапоялари

Мақсад: тарбияланувчилар кубик ва леголари катта-кичиклигини фарқлайдилар. Баланд уйнинг зинапояларини қурадилар, уй қисмларини, рангини биладилар, қўл моторикаси ва фикрлаш қобилиятларини ривожлантирадилар.

Жиҳозлар ва материаллар: лево тўпламлари, катта ва кичик кубиклар, қурилиш материаллари, зинапоялар сурати.

Фаолиятнинг бориши:

1. Зинапоялар расмини қуратиш
2. Намуна билан танишиш.
3. Болаларнинг иши.
4. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: Қурилган зинапояларга майда ўйинчоқларни қўйиб чиқишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлар: Болаларнинг паст ва баландлик ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш

“Фан ва табиат” маркази:

Қум ва тошлар билан таништириш

Мақсад: тарбияланувчилар тош ва қумни фарқлайдилар, уларнинг хусусиятлари (тошнинг қаттиқлиги, оғирлиги, қумнинг сочиловчанлиги)ни биладилар.

Жиҳозлар ва материаллар: қум уюми, сув, турли шаклдаги тошлар, нам салфетка.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қум ва тошларни қуратиш
2. Қумни қўлдан ўтказиш, тошни икки қўллаб пайпаслаб қўриш
3. Тош ва қумдан ясалган тоғ намунаси билан танишиш
4. Биргаликда тоғ ясаш.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: Ўйинчоқ дарахт, шох, гуллар билан тоғ атрофини безатишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлари:

1. Хавфсизликни таъминлаш.
2. Ишни тартибли бажариш.
3. Керакли шароитни яратиш

Санъат маркази

Расм: Лаган

Мақсад: тарбияланувчилар қалам билан думалоқ чизиклар чизиб лаган тасвирини ҳосил қиладилар. Лаган ичини текис, чизикдан четга чиқмай бўяш кўникмаларини шакллантирадилар.

Жиҳозлар ва материаллар: Лаган намунаси, рангли қалам, қоғоз.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани кузатиш.
2. Қоғоз сатҳига лаган тасвирини тўғри чиза олиш.
3. Бармоқлар ёрдамида лаганни безаш усуллари билан танишиш.
4. Вазифани бажариш.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: Чизган лаганларни кейинги машғулотларда безашни айтиш, атрофдаги нарсалардан лаган шаклига мос шаклларни топишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлари:

Расм чизишга қизиқишларини орттириш

Нутқ ва тил маркази:

Ҳайвонот боғида

Мақсад: тарбияланувчилар уй ва ёввойи ҳайвонларни, денгиз жонворларини, қушларни фарқлай оладилар. Мустақил ҳайвонлар товушларига тақлид қиладилар. Уларнинг номлари, ранги, катта-кичиклигини айтиб, товушларига кўра танийдилар.

Жиҳозлар ва материаллар: уй ва ёввойи ҳайвонлар, қушлар, балиқларнинг ўйинчоқ тўпламлари ва карточкалар, АКТ, ватман қоғозида табиат тасвири (осмон, ўрмон, дарахтлар, сув ҳавзаси ва ҳайвонлар учун уйлар)

Фаолиятнинг бориши:

1. Уй ва ёввойи ҳайвонлар, қушлар ва сув ҳайвонлари суратларини кўриб чиқиш.
2. Ватман қоғозидаги табиат тасвирига карточкалардаги уй ҳайвонлари, қушлар, сув жониворларини ажратиш ва жойлаштириш.
3. Рағбатлантириш

Қўшимча қисм: турли ҳайвонлар ўйинчоқларидан “Ҳайвонот боғи” ни яратишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлари: жонли табиат ҳақида тушунчалар ҳосил бўлади.

Санъат маркази:

Лой: Тандир ясаш

Мақсад: тарбияланувчилар бир бўлак лойни икки қўл кафти орасида айлана ҳаракат билан думалоқлаб, бармоқлар билан босиб чиқиш усули орқали тандир ясайдилар.

Жиҳозлар ва материаллар: Тандир намунаси ва расми, пластилин, лой, махсус тахтача

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмни кўриш
2. Намуна билан танишиш
3. Болаларнинг иши
4. Рағбатлантириш

Қўшимча қисм: “Нон ёпганда ” қўшиғини биргаликда ижро этишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлари: лой билан ишлаш малакаларини ошириш, ишни тартибли бажариш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази:

“Дўстлар меҳмонга келди” таълимий ўйини

Мақсад: тарбияланувчилар ўзига дўст танлайдилар ва тенгдошлари билан мулоқот қилиб биргаликда ўйнайдилар, катталар ҳаракатига таклид қилади.

Жиҳозлар ва материаллар: “Меҳмон-меҳмон” таълимий ўйини жиҳозлари

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйин жиҳозлари билан танишиш.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Ўйин жараёни.
4. Ролларни алмашиб ўйинни давом эттириш.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: дўстларга тилаклар билдириш

Эътиборга молик жиҳатлари: болаларнинг жамоада дўст бўлиб ўйнаш малакаларини ошириш.

Санъат маркази:

Расм: Лагани безаймиз

Мақсад: тарбияланувчилар ўз чизган лаганини бўёқли бармоқларни қўйиб олиш усули ёрдамида безашга ўрганадилар, рангларни танийдилар ва уларни тўғри танлайдилар.

Жиҳозлар ва материаллар: турли лаганлар намунаси, ўз чизган лагани расми, бўёқлар, сув, салфетка, чизиш босқичлари бўйича АКТ

Фаолиятнинг бориши:

1. Лаганларни кузатиш.
2. Намуна билан танишиш
3. АКТ орқали шлаш усули билан танишиш
4. Чизган лаганни безаш.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: чизган расмлардан ота-оналар учун кўргазма ташкил этиш.

Эътиборга молик жиҳатлари: болаларнинг эстетик дидини шакллантириш.

Санъат маркази:

Аппликация: Дастурхондаги безак

Мақсад: тарбияланувчилар тарбиячи томонидан қирқиб елимлашга тайёрланган шакллар (доира, тўртбурчак, учбурчак) ранг тусига кўра навбатма-навбат тўғри елимлайдилар, ўзлари безатган дастурхондан завқланадилар.

Жиҳозлар ва материаллар: рангли геометрик шакллар қирқимлари, дастурхон асоси, елим, елим суртгич

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуна билан танишиш
2. Дастурхон безаш кетма-кетлиги билан танишиш
3. Болалар иши
4. Рағбатлантириш

Қўшимча қисм: дастурхон марказига тайёр наклейка гуллар ёпиштиришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлари: иш жараёнида ижодий ёндашишга ўргатиш.